# БААда миллий Қуръон мусобақасининг финал босқичи бошланди




14:30 / 13.02.2019 2423

БАА XX миллий Қуръон мусобақаси 15 кишидан иборат иштирокчиларнинг ўзаро рақобати билан бошланди, дея хабар беради маҳаллий el-Beyan газетаси.

Ушбу мусобақа Халқаро Дубай мукофоти Қуръони карим институти ташаббуси билан, Дубай ҳокими Шайх Муҳаммад ибн Рашид Мактум ва БАА давлати раҳбари ўринбосари ҳомийлигида ўтказилмоқда. Мусобақада 8 нафар аёл ва 7 нафар эркак қатнашмоқда. Эркаклар мусобақаси Халқаро Дубай мукофоти Қуръони карим институти марказида, аёлларники эса Дубай ал-Наҳза аёллар уюшмаси марказида бўлиб ўтмоқда. Натижалар тез кунда маълум бўлади.

***Islom.uz***